



## ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖОБИЙ МУҲИТИНИ ШАКЛАНТИРИШ

**Эргашева Фотима Ибрагимовна**

*Наманган муҳандислик-технология институти “Иқтисодиёт” кафедраси  
кamatta ўқитувчи, PhD*

**Сидиков Муҳиддин Камолдин ўғли**

*Наманган муҳандислик-технология институти менежмент йўналлаши  
талабаси*

**Аннотация:** Мақолада бугунги кунда ёшлар тадбиркорлиги ва уни ривожлантириш учун мақбул муҳитни шакллантиришинг зарурлиги ёритилган. Шунингдек, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришда мавжуд айрим муаммолар кўрсатиб ўтилган ҳамда мазкур муаммоларни бартараф этиш учун тегишили тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ёшлар тадбиркорлиги, бизнес жараёнларини амалий ўрганиш, илмий тадқиқотлар, тадбиркорлик инфратузилмаси, таълим сиёсати, қўллаб-қувватлаш инфратузилмаси, билим ва кўникумларни ривожлантирувчи курслар, тадқиқот фаолиятига жалб этиш

### Кириш

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлардан бош мақсад минтақаларда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай муҳитни яратиш, шунингдек, минтақаларда мазкур фаолиятни такомиллаштириш асосида иқтисодий самарадорликка эришиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ана шу мақсадда мамлакатимизда бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, унда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари режалаштирилган. Жумладан, 2021 йил 21 апрелдаги “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5088-сонли қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги “Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 669-сон қарори, 2021 йил 18 январдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 23-сонли қарори Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 майдаги “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ҳамда Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида



# "PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



низомларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 294-сонли қарорларини санаб ўтишимиз мумкин<sup>1</sup>.

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришда ёшлар тадбиркорлигига устуворлик бериш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар амалиёти шуни кўрсатадики, айнан кичик бизнес иқтисодиётнинг асосий ривожлантириш омили бўлиб, мамлакатда шунингдек рақобатбардошликни ривожлантириш, аҳоли эҳтиёжини самарали қондиришни таъминлашга қодир.

Жамият барқарорлиги ва демократик асосларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлган, ўрта мулқорлар синфининг ишончли шаклланиши ва кенгайишида – янгиликларни тез ўзлаштирувчи, қобилиятли ёшлар тадбиркорлар қатламининг катта қисмини ташкил этади.

Ёшлар билан олиб бориладиган ижтимоий-иқтисодий ишлар бугунги кундаги долзарб бўлиб, ёшларни меҳнат фаолиятига максимал даражада жалб қилиш ва уларнинг бандлигини оширишни тақазо этади.

## Асосий қисм

Бугунги кундаги ижтимоий шарт-шароитлар хусусиятлари жамиятимизнинг фаровонлиги ва маданий даражаси билан боғлиқ. Бироқ, ҳаёт кечириш даражасининг ва яшаш сифатининг ортиши таълим-тарбия жараёнини енгиллаштириб қолмайди, балки уни мураккаблаштиради ва мashaққатли қиласди.

Олиб борган тадқиқотларимиз ёшларда тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, мақбул мухитни ривожлантириш бўйича изланишлар ва кузатишлар олиб борилиб, унда жамиятдаги шарт-шароитлар, ёшларни таълимда ва жамиятдаги ўрни, уларнинг интилишлари, қобилиятлари, дунёқарашлари ва шу каби бир қатор кўрсаткичлар ўрганилиб, тегишли хulosалар чиқарилди.

Илмий тадқиқотлар ва статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, меҳнатга лаёқатли аҳолининг тадбиркорликка мойил қисми 10-15 фоизни ташкил этади. Бироқ, тадбиркорлик фаолияти учун қобилияти мавжуд бўлса, солиқ ва бошқа давлат қонунлари доирасида имтиёзлар бўлса, қўллаб-қувватлаш йўллари тўғрисида хабардор бўлса янада кўпроқ ёшлар тадбиркор бўлишни истайди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташабbusларини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5088-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/5383002> Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 669-сон қарори. <http://www.kattakurgon.uz/uz/node/511>. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 23-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/5234746>. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 майдаги “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ҳамда Ёш тадбиркорларни кўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 294-сонли қарори. <https://www.norma.uz/>



Тадбиркорлик субъектлари таркиби —тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёшлар тадбиркорлиги субъектлари ҳисобланган 18 ёшга тўлган 30 ёшдан ошмаган ёшлар ҳам киради. Лекин ёшлар тадбиркорлигини тадқиқ этган адабиётлар ўрганилганда 15 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёшлар ҳам бу қатламга киритилиб ўрганилганлигини кузатишими мумкин.

Ёшлар тадбиркорлик борасидаги билим, кўникум ва малакаларни таълим жараёнларида, муваффақиятли фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар билан учрашувларда, бевосита бизнес жараёнларини амалий ўрганишда, турли тренингларда ва шу каби бир қатор йўналишлар орқали ўзлаштиришлари мумкин.

Ёшларда тадбиркорликка жалб этиш, тадбиркорлик муҳитини яхшилашда - тадбиркорлик таълими тизими, илмий тадқиқотлар, тадбиркорлик инфратузилмаси ва таълим сиёсати, тадбиркорлик тармоқлари алоҳида аҳамият касб этади. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, таълим тизими ҳам ёшлар тадбиркорлик муҳитини шаклланишида тадбиркорлик фаолиятини эгаллашда катализатор вазифасини бажариб, у ёшларнинг инновацион тадбиркорлигини шакллантириш жараёнини ривожланишига ёрдам беради, шунингдек ёшлар тадбиркорлигини фаоллаштириб, унинг узлуксизлигини таъминлайди. Ёшларда тадбиркорлик маданиятининг йўқлиги ёшларнинг “яширин” тадбиркорлигини ривожланишига олиб келади.

Соҳада олиб борилган тадқиқотларга кўра, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришда бир қатор муаммолар мавжудки, уларни тўғри бартараф этишни тақозо этади. Жумладан, мазкур муаммоларга:

- билимли, ҳаракатчан ва тиришқоқ ёшларни катта иш ҳақи олиш мақсадида мамлакатдан бошқа давлатларга чиқиб кетиши;
- ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича қонунчилик базасини янада ривожлантиришга эҳтиёжни борлиги;
- ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ҳамда уни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасининг ривожланмаганлиги;
- ёшларни тадбиркорлик фаолиятига доир маълумотлар, янгиликлар ва ахборот билан таъминлашнинг пастлиги;
- бу қатлам табиий ёшлардан иборат бўлганлиги сабабли, уларда соҳага оид етарли тажрибаларни ривожланмаганлиги;
- янги, енгил кўникум ва малакани талаб этадиган, нисбатан арzon иш ўринларига эҳтиёжни юқориилиги ва бошқа шу кабилар.

## Хулоса ва таклифлар



# "PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



Худудларда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг ижобий мухитини шакллантириш бўйича олиб борган тадқиқотларимиздан келиб чиқкан ҳолда, соҳани ривожлантириш учун қуидагиларни тавсия этамиз:

- ёшлар учун тадбиркорлик билим ва қўникмаларини ривожлантирувчи курсларини ташкил этиш;
- соҳа олимларининг инновацион ғояларини ишлаб чиқиш доирасида ёшларни лойиҳа ишларига, тадқиқот фаолиятига жалб этиш, уни ривожлантириш;
- тадбиркорлик соҳасида ёшларга очик маъruzalар, тренинглар, маҳорат дарслари ўтказиш;
- илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришни ошириш;
- ёшлар жамоаларини бизнес-режа танловлари ва шу каби бошқа танловларга жалб этиш;
- ёшларни илмий ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва бошқа шу кабилар.

Юқоридаги тавсияларимиз ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, уларда тадбиркорлик қўникмаларини ривожлантириш ва мазкур мухитни ижобий қиёфасини шакллантиришда ўзининг бир қатор ижобий самарасини беради. Жумладан, янги марраларга эришишга интилиш, кўплаб вазиятларни эрkin таҳлил эта олиш, ташки мухит ўзгарувчанлигига мослашувчанликни ошиб бориши, ўз-ўзига бўлган танқиддан келиб чиқиб янги ривожланиш йўлларини ишлаб чиқиш ва қўллаш, муваффақиятсизликлардан ижобий хulosалар чиқаришга ўрганиш даражаларини ортишида кўриш мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташабbusларини қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5088-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/5383002>
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 669-сон қарори. <http://www.kattakurgon.uz/uz/node/511>.
3. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 23-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/5234746>.
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 майдаги “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ҳамда Ёш тадбиркорларни қўллаб-куватлаш



# "PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



жамғармаси тұғрисида низомларни тасдиқлаш тұғрисида"ги 294-сонли қарори. <https://www.norma.uz/>

5. Лопатина Р.Ф. Социально-культурные условия формирования мотивации студенческой молодежи к предпринимательской деятельности [Электронный ресурс] // Российская государственная библиотека: [сайт]. — URL: <http://dlib.rsl.ru/01006751585>

6 Xabibullayevich, U. L., Nabijanovich, B. D., & Ibragimovna, F. E. (2020). Increasing effectiveness of economic educationprocessis basis for the development of qualification of entrepreneurship. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(3), 210-215.

7 Убайдуллаев, Л., & Эргашева, Ф. (2021). Development of enterprise products in students-as a factor of production problems for young enterprises. *Общество и инновации*, 2(2/S), 446-456.

8 Убайдуллаев , Л .; Эргашева , Ф. . Развитие предпринимательских навыков у студентов - как фактор преодоления проблем молодого предпринимательства. *ОИ 2021*, 2, 446-456.

